



2019 yil « 23 » март 95 – Қ - sonli

Samarqand sh.

“ZARAFSHON NASLLI PARRANDA INVEST” масъулияти чекланган жамиятига инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар белгилаган ҳолда товукхона ва кушхона (товуқларни сўйиш хонаси) қуриш учун ер участкасини ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5552-сонли Фармони ва халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ҳамда вилоят ҳудудий танлов комиссиясининг 2019 йил 20 февралдаги 04-01/20-сонли йиғилиш баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. “ZARAFSHON NASLLI PARRANDA INVEST” масъулияти чекланган жамиятига товукхона ва кушхона (товуқларни сўйиш хонаси) қўриш учун Самарқанд тумани “Гулистон агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидаги 441-контурдан 55 балли 5,0 гектар суғориб ҳайдаладиган ер участкаси қуйидаги инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда, доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин:

товуқхона ва кушхона (товуқларни сўйиш хонаси) қўриш учун 1,5 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш;

2020 йил 1 октябрга қадар инвестиция лойиҳасини амалга ошириш;

40 та янги иш ўринларини яратиш;

ажратилган ер майдони ва туташ ҳудудларида ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

3. Вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Ф.Мажидов) “ZARAFSHON NASLLI PARRANDA INVEST” масъулияти чекланган жамияти томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан мониторинг юритилишини, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши юзасидан тегишли маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича Самарқанд вилоят ҳудудий танлов комиссияси муҳокамасига киритиб борилишини таъминласин.

4. Самарқанд тумани ҳокимлиги (Ш.Джамалов), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (С.Ҳакимов):

“ZARAFSHON NASLLI PARRANDA INVEST” масъулияти чекланган жамиятига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган ер участкасини ажратиб бериш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига асосан, ер участкасидан белгиланган муддатларда фойдаланмаган тақдирда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш топширилсин.

5. Мазкур қарор ижросини таъминлаш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Нуркулов ва О.Ходжаев зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов